



СУБЪЕКТИ ДАТИВ КЕЛИШИГИ БИЛАН ИФОДАЛАНГАН ГАПЛАР

Элмуродов Нейматилла,

Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти

Таянч сўзлар. Финитив феъл, шахссиз гап, бир таркибли гап, субъект, объект, предикат, гапнинг семантик структураси, мослашиш, қиёсий-типологик таҳлил.

Финитив феълли “шахссиз” гап деб аталадиган конструкцияларнинг бир турида грамматик субъектни ифодалайдиган асосий шакл – эга бош келишикда келмайди. Бундай гапларда субъект ёки воситали келишик шаклида, ёки бутунлай редукцияга учраган (тушиб колган) бўлади.

Мазкур ишда датив келишиги билан ифодаланган субъектли шахссиз гап (ШГ) лар ҳақида сўз юритамиз. Бу борада адабиётларда билдирилган талқинлардан айримларига қисқача тўхталамиз.

1. В.С.Юрченко “Ему не спится” типдаги ШГларни қуйидаги уч хусусиятга эга, деб таърифлайди: а) бундай гапларда фақат воситали шахсли субъект мавжуд бўлади; б) бу субъект датив келишиги билан ифодаланади; в) феъл кесим шахссиз шаклда келади. Бу турдаги гаплар инсоннинг турли хил ҳолатларини ифодалайди [Юрченко 1979/4: 86].

2. М.Гиро-Вебер, гапнинг семантик структурасидан келиб чиққан ҳолда, “Мне весело, Ей было стыдно” каби ШГларни содда гапларнинг бир тури сифатидаги демипассив гаплар, деб атайди ва бундай гаплар инсоннинг рухий ва физик ҳолатини ифодалашлигини таъкидлайди. Унингча, “Мне не работается, Больному не спится” сингари гапларда эса предикатлар субъектнинг ҳаракатга мойиллигини англатади. Муаллиф юқоридаги гапларда “мне, ей, больному” сўзлари дативда келган бўлса-да, мазкур гапларда семантик субъект функциясини бажармоқда деб,

анъанавий тилшуносликнинг “фақат бош келишикдаги от (ёки олмош, ёки инфинитив) гапда эга вазифасини ўтайди” деган қарашига эътироз билдириб, субъектнинг ифодаланиш парадигмасини кенгайтиради [Гиро-Вебер 1979/6: 63-75]. Бу билан у воситали келишикда келган от ёки отлашган сўз билан шахс-сонда мослашмаган феъл предикатив алоқага кира олади, чунки улар гапнинг предикатив минимумини яратиш имкониятига эга эканлигини исботламоқчи бўлади. Бу эса от билан феъл ўртасидаги формал мослашув гапнинг грамматик шаклланиши учун унчалик аҳамиятли эмаслигини кўрсатади. Бунда мослашувнинг йўқлиги кўпгина гап(фикр)ларнинг грамматик жиҳатдан тўғри шаклланишига ҳалақит бермайди. Гиро-Вебер дунёда шундай тиллар борки, уларда, жумладан, хитой ва француз тилларида от билан феълнинг мослашуви мавжуд эмаслиги ва ушбу мослашув предикатив алоқа учун факультатив формал белги эканлигини таъкидлайди. Кўринадики, рус тили материаллари унда мослашган ва мослашмаган гаплар мавжудлигини намоён қилади. Мослашмаган гапларда воситали келишикда турган от мослашган гаплардаги от каби предикатив алоқага кириб, бош бўлак – синтактик эга мақомини олади, яъни ШГнинг эгаси даражасига кўтарилади ва бу ҳолат фақат конкрет гапларда синтактик алоқалардагина аниқланиши мумкин. Бундан структур жиҳатдан маъно



(структурный смысл – Ч.Фриз) ташийдиган ҳар қандай гап релевант ҳисобланади деган хулоса келиб чиқади. Шу билан бирга, муаллиф ШГлар ифодалайдиган ҳаракат борасида “<...> ни в каком безличном предложении косвенный падеж не может обозначать активного деятеля; эти конструкции либо вообще не обозначают действия, либо обозначают действие в отвлечении от деятеля” деган фикрни келтириб, ШГларга бошқача тус беради.

3. А.В.Бондарко ва В.И.Кодуховлар “Грамматика современного русского литературного языка” (М.: Наука, 1970. – 768 с.) нинг муаллифларининг воситали келишиқда, жумладан, датив келишиғида келган отнинг гапда субъект маъносида келишини ушбу воситали келишиқ хусусияти эмас, балки гапда мавжуд бўлган тобе муносабатнинг тури ва характери (“тип и характер подчинительной связи”) белгилаб беради деган қарашига эътироз билдиришади [Бондарко, Кодухов 1971: 37].

4. Маълумки, тилшуносликда бирор бир сўзнинг грамматик маъносининг юзага келиши гапда иштирок этадиган барча грамматик шаклларнинг ўзаро жипс алоқаси билан боғлиқ деган фикр устувор хусусиятга эга. Шу муносабат билан В.Г.Адмонининг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли, деб ҳисоблаймиз: “При наличии у морфологической или синтаксической формы целой гаммы значений, актуализация в высказывании одного из значений (или их оттенков) происходит непосредственно под влиянием связей с контекстом и ситуацией <...>” [Адмони 1975: 48].

5. Италиян тили материали асосида тадқиқот олиб борган Т.Б.Алисова ҳам шунга ўхшаш фикрни изҳор этади: “<...> каждой семантической функции предметных понятий соответствует несколько форм выражения, и почти каждая форма имеет несколько функций” [Алисова 1970: 87].

6. Бу борада таниқли италян тилшуноси Туллио Де Мауронинг қуйидаги гаплари масалага янада ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз: “<...> слово функционирует и означает в большинстве случаев в комбинации с другими словами” [Мауро 2000: 162].

7. Витгенштейн ҳам ҳамоҳанг фикр билдирган: “<...> лишь в контексте предложения имя может иметь значение” [Мауро 2000: 76].

8. Дарвоқе, содда гап турларини, хусусан, унинг шахсиз турини таҳлил қилган С.Д.Кацнельсон ҳам анъанавий тилшуносликнинг эга ва унинг кесим билан мослашиши борасидаги талқинининг бир ёқлама эканлиғини ҳамда бунда компонентларнинг тобе муносабати муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб, қуйидагиларни уқтиради: “Что же такое подлежащее? Обычно определяют подлежащее как имя в именительном падеже. Такое определение основывается на наивном представлении о взаимоотношении формы с содержанием в языке. Отказываясь от морфологического определения подлежащего, мы должны найти для него чисто функциональное определение <...>.” При этом “Более адекватным представляется нам подход со стороны валентных свойств глагола. Подлежащее – это прежде всего один из именных членов предложения, обусловленных содержательной валентностью глагола.” “Собственно безличный глагол “спаться” в этом отношении ни чем не отличается от личного глагола “спать”. Эти глаголы различаются, правда, по своей формальной сочетаемости. Но это уже вопросы, относящиеся к плану выражения. Оставаясь в плоскости семантико-синтаксических отношений, мы должны признать тождество функций имени в предложениях “Ребенок не спит” и “Ребенку не спится” [Кацнельсон 1972: 61]. Демак, ШГдаги “ребенку” сўзи биринчи гапдаги “ребенок” сўзи сингари функционал жихатдан бевосита иш-



харакат бажарувчи мақомини олади. ШГдаги воситали келишиқда турган “ребенку” оти ўзининг иккиламчи вазифасида келмоқда. Бошқача айтганда, эгага иш-ҳаракат бажарувчиси ёки қандайдир ҳолат ташувчисини англатадиган шакл сифатида таъриф бериш ҳали тўла-тўқис эмас. Зотан, ифода планининг мазмун планидан нисбатан мустақиллигининг мавжудлиги формал бирликлар – эга ва тўлдирувчини параллел равишда маъно (мазмун) бирликлари – субъект ва объект билан бирга қўллаш ҳар доим ҳам уларнинг мазмун бирликлари билан мос тушавермаслигини кўрсатади. Шу боис, лисоний белги асимметрияси ифода плани структураси билан мазмун плани структурасини алоҳида-алоҳида тавсифлашга зарурат туғдиради. Дарвоқе, муаллиф айнан лисоний белги асимметрияси субъектнинг олтига семантик-грамматик тури борлигини кўрсатишини таъкидлайди. Шуларнинг ичида воситали (жумладан, датив) келишиги билан шаклланган субъект ҳам мавжуд [Алисова 2009: 21, 40-41, 55].

Маълумки, ҳозирги замон тилшунослигида нутқий бирликларнинг коммуникация жараёнида ўзининг функционал вазифаларини бажаришдаги қонуниятларини асослаш зарурияти муносабати билан семантика масалалари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Шу боис, тилнинг семантик сатҳини синтактик ҳодисаларни изоҳлаш асоси сифатида ҳисобга олиш тил фалсафаси нуқтаи назаридан ҳам, соф лингвистик нуқтаи назардан ҳам муҳимдир.

9. Шу билан бирга, лингвистик адабиётларда бундай субъекти датив билан ифодаланган гапларда семантик субъектнинг мавжудлиги уларни шахссиз гаплар таркибига киритишга ҳалақит беради ва шу боис, уларнинг субъекти актив ва пасив гапларнинг ҳаракат бажарувчилари ўртасида оралиқ ҳолат (“промежуточное положение”) ни эгаллайди, деган фикр билдирилган ҳамда қуйидаги параллель гаплар келтирилади: Я

пишу – Мне пишется. Ученики пишут сочинение – Сочинение пишется учениками [Шанский ва б. 1988: 560-561]. Улар ШГнинг ушбу туридаги мазкур хусусиятни назарда тутиб, уларни ярим актив гаплар, деб аташади. Бизнингча, бу ерда муаллифлар ШГ ва пасив гапларнинг активга трансформация қилина олиш имкониятини назарда тутишган бўлса керак. Лекин улардаги компонентлар феъл билан турлича валентликда бўлиш қобилиятига эга: ШГда дативдаги субъект феъл билан зарурий валентликни ҳосил қилса, пасивдаги субъект (“учениками”) факультатив валентликни ташкил этади, яъни “Мне пишется” гапида ҳеч бир бўлак элиминацияга учрамаган ҳолда “Сочинение пишется учениками” гапида “учениками” сўзи факультатив валентликка эга бўлгани учун тушиб қолиши мумкин: Сочинение пишется.

Бинобарин, синтактик алоқада тобе муносабатни ҳосил қилишда қатнашган ўрин эгаллайдиган валентликда феъл марказий аҳамият тутиши адабиётларда ўз ифодасини топган. Чунончи, “глагол как “вершина” предложения, которому подчинены все другие его элементы, в том числе и подлежащее” [Адмони 1973/2: 55-57]. Немис грамматистлари ҳам гап қурилишида отга нисбатан феълнинг аҳамияти юқори эканлигини уқтиришади: “<...> глагол является главным структурным членом предложения и играет большую роль для построения предложения, чем имя существительное <...>” [Косов 1976/4: 19].

Туркий тиллардан бўлган ўзбек тили материали асосидаги изланишларда субъекти датив (жўналиш) келишигида келган шахссиз гаплар тўғрисида, жумладан, шундай дейилади: “Шахссиз гапнинг “Бизга бугун боришга тўғри келади” каби гапида кесимдан англашилган ҳаракатнинг бажарувчиси – логик субъект англашилиб турса ҳам, лекин ўша субъектни билдирадиган сўз (грамматик эга) бундай гапда қатнаша олмайди: кесим бу сўз билан, умуман



бошқа элемент билан ҳам предикатив муносабатга кириша олмайди, грамматик хусусият бунга йўл қўймайди” [Ғуломов, Асқарова 1987: 134].

Кўринадики, шахссиз гапнинг юқорида келтирилган турида мантикий субъектнинг мавжудлиги таъкидланса-да, компонентлар ўртасидаги синтактик муносабатга анъанавий қараш сақланиб қолган. Аслида гап унсурлари ўртасида семантик-грамматик алоқанинг мавжудлиги ўзбек тили системасида ўзига хос гапларнинг ҳосил бўлишига олиб келган. Дарвоқе, эга – “бу феълнинг семантик валентлиги билан ўзаро боғланган гапнинг от билан ифодаланган бўлакларидан бири” [Кацнельсон 1972: 61]. Башарти, шундай экан, ўзбек тилидаги “менга” тўлдирувчиси ҳам феъл валентлиги билан ўзаро боғлиқликда юзага келган. Масаланинг яна бир жиҳати. Рус тилида “Мне не спится” → “Я не сплю” га, немис тилида „Mir ist kalt“ → „Ich friere“ га трансформация қилинган ҳолда, юқорида келтирилган ўзбек тилидаги ШГ эгаси номинативда турган гапга трансформация қилинмайди. Бунга мазкур гап структураси йўл қўймайди.

Айни пайтда турли системали тиллар материаллари, жумладан, ўзбек ва бошқа туркий тиллари асосида келишик категориясини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам “шахссиз” деб юритиладиган гапларда воситали келишикда (нафақат датив, шунингдек, қаратқич келишигида) келган сўз грамматик эга бўлмаса-да, гапда мантиқан иш-ҳаракат бажарувчи шахс ролини ўташини кўрсатади [Қаранг: Решетова 1982: 47 ва кейинги саҳифалар].

Синтаксисни маънолар ҳақидаги таълимотнинг бир қисми (die Syntax ist ein Teil der Bedeutungslehre) сифатида тушунган ва, жумладан, келишикларнинг тараққий этиш динамикасини диахроник планда ўрганиб чиққан Hermann Paul [Paul 1954: 3, 379 ва кейинги саҳифалар] қадимги юқори немис тилининг (Ahd) дативнинг инструментал (восита)

вазифасини ўтаган даврида, агенс функциясида ҳам келганлигини уқтиради. Демак, дативнинг субъект функциясини ўтай бошлаганлиги узок тарихни ўз ичига олади ва янги даврга келиб у ўзининг функционал кўлами доирасини анча кенгайтиради. Зотан, дативнинг ушбу функцияси аксарият тадқиқотларда кўрсатиб ўтилган. Буни қисман юқорида келтирилган фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Дарвоқе, дативнинг субъект бўлиб келиши балки унинг дастлаб ҳаракат мақсадини аниқлаб, у кўпинча шахс номи билан боғлиқлиги сабаб бўлгандир. Бунда датив *nützen, bekommen, schaden, dienen, begegnen, antworten, träumen* каби шахс фаолиятини аниқлаган феъллар билан бирга қўлланиб, кўпинча шахсни билдирган субъектнинг ёнида келиши одат тусига кирган. Масалан: *ein starker Duft <...> der <...> denjenigen Nasen, die für Rosenöl blasiert sind, sehr angenehm kitzelte.*

18-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб дативнинг ўрнида аккумулятив қўллана бошлайди ва *mir ekelt* (“менга ёқмайди”) конструкцияси билан бирга *mich ekelt* конструкцияси ҳам параллель равишда кенг нутқий истеъмолда бўлади. Датив ва аккумулятивнинг параллел келиш ҳолати уларнинг *es wurmt mir* (“бу менга тинчлик бермайди”) ва *es wurmt mich* каби кўринишларида ҳам намоён бўла бошлайди.

Янги даврда Walter Jung ҳам ушбу фикрга қўшилиб, “датив ҳатто хинд-европа давридаёқ аксарият ҳолларда шахс келишиги бўлган”, дейди [Jung 1973: 129].

Кўринадики, дативнинг шахс маъносини бериши умум хинд-европа тили даврига бориб тақалиб, ушбу ҳодисанинг қадимийлигидан дарак беради.

Акад. В.М.Жирмунский келишикларнинг шакл ва маъноларидаги бундай синкретизм ҳақида шундай дейди: “Вероятно, абстрактно-грамматический характер <...> падежей и их многозначность являются результатом позднейшего обобщения на основе



слияния (синкретизма) форм и значений. Таким синкретическим падежом по форме и значению является в особенности германский дательный, который восходит к дательному, творительному, местному, отчасти отложительному” [Жирмунский 1965: 209].

Аёнки, ўзида бир неча келишикларни ва уларнинг маъноларини сиғдирган датив ҳозирда ҳам, лозим бўлганда, улардан тегишлисининг функциясини бера олиш қобилиятига эга. Шу маънода датив муайян контекст ва вазиятдан келиб чиқиб, гапда семантик субъект вазифасини ҳам ўтай олади. Буни тилшуносларнинг юқорида келтирилган фикрлари ва берилган мисоллар исботлаб турибди.

Шу муносабат билан А.М.Пешковскийнинг қуйидаги сўзлари муҳокама этилаётган масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз: “Ясно, что, поскольку лицо должно вообще мыслиться в глаголе, оно мыслится здесь как третье. Но мыслится – то оно с минимальной ясностью. <...> В безличном <...> глаголе есть известный минимум лица, известный намек на лицо” [Пешковский 1938: 317].

Ушбу таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, ўзбек тилидаги “Бизга бугун боришга тўғри келади”, рус тилидаги “Мне не спится”, немис тилидаги “Mir graut davor” гапларида ифодаланган иш-ҳаракат “шама қилинган шахс” (А.М.Пешковский) лар: “биз, я, ich” ларнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган. Демак, ушбу сўзлар

семантик субъект вазифасини ўтамоқда. Зотан, бу сўзлар шаклан датив келишигида келса-да, ушбу гапларда, муайян контекст ва вазиятдан келиб чиқиб, мазкур келишиқда содир бўлган “шакл ва маънолар синкретизми” (В.М.Жирмунский) даги маънолардан бири – субъект маъноси юзага калқиб чиқади, яъни “бундай гапларда субъектнинг конкретлашуви (мавжудлиги) воситали тўлдирувчи позициясида тақозо қилинади” [Алисова 2009: 16].

Буларнинг барчаси грамматик шаклларнинг, жумладан, келишиқлар системаси кўп функционаллик хусусиятига эга эканлигидан, яъни гетероген функциялар таший олишидан дарак беради. Ушбу ҳолат нафақат рус тилига хос, балки кўпгина тилларга, жумладан, немис тилига ҳам хос хусусиятдир. Масалан: Mir graut davor – Мен бундан кўрқаман; Mir ist kalt (ёки Ich friere) – Мен совқотяпман.

Демак, сўзловчининг ёки ёзувчининг мақсадидан келиб чиқиб, гап турли коммуникатив вазифаларни ўтайди ва айни пайтда ушбу коммуникация ўзи билан бирга контекст ва вазиятни инобатга олган ҳолда шахсли ҳамда шахссиз гапларнинг тегишли структураларидан фойдаланишни тақозо этади.

Кўринадики, турли структурага эга тилларни қиёсий-типологик ўрганиш дативнинг субъект вазифасида келишида муштаракликни намоён этмоқда.

Адабиётлар

1. Адмони В.Г. Типология предложения и логико-грамматические типы предложения // Вопросы языкознания, 1973, №2. – С. 46-57.
2. Адмони В.Г. Статус обобщенного грамматического значения в системе языка // Вопросы языкознания, 1975, №1. – С. 39-54.
3. Алисова Т.Б. Именные члены простого предложения и их семантические функции (на материале итальянского языка) // Филологические науки, 1970. №2. – С. 77-88.
4. Алисова Т.Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка: Семантическая и грамматическая структура простого предложения. Изд. 2-е. – М.: Книжный дом “Либроком”, 2009. – 296 с.
5. Бондарко А.В., Кодухов В.И. О новой модели описания грамматического строя русского языка // Вопросы языкознания, 1971, №6. – С. 31-45.



6. Гиро-Вебер М. К вопросу о классификации простого предложения в современном русском языке // Вопросы языкознания, 1979, №6. – С. 63-75.
7. Жирмунский В.М. История немецкого языка. – М.: Высшая школа, 1965. – 408 с.
8. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972. – 216 с.
9. Косов В.Т. Теория членов предложения в зарубежной немецкой грамматике XX века // Иностранные языки в школе, 1976, №4. – С. 18-24.
10. Мауро, Туллио Де. Введение в семантику. – М.: Дом интеллектуальной книги, 2000. – 240 с.
11. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М.: Учпедгиз, 1938. – 452 с.
12. Решетова Л.В. Категория падежа в языках разных систем. – Т.: Фан, 1982. – 136 с.
13. Шанский Н.М., Тихонов А.Н., Филиппов А.В., Небыкова С.И., Изаренков Д.И. Современный русский литературный язык: Учебное пособие для студентов пед. ин-тов. – Л.: Просвещение, 1988. – 671 с.
14. Юрченко В.С. Структура предложения и система синтаксиса // Вопросы языкознания, 1979, №4. – С. 77-89.
15. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – 256 бет.
16. Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. – Leipzig: VEB Bibliografisches Institut, 1973. – 518 S.
17. Paul H. Deutsche Grammatik. Syntax. Band III. – Halle/Saale: VEB Max Niemeyer Verlag, 1954. – 456 S.

Элмурадов Н. Предложения с субъектом, выраженным дательным падежом. На материале немецкого, узбекского и русского языков изучаются предложения с субъектом, выраженным дательным падежом.

Elmuradov N. The sentences which the subject is expressed by dative case. With the help of the materials of German, Uzbek and Russian languages the sentences which the subject is expressed by dative case is studied.
